Жаҳон кимё саноати хабарлари: кислород-ион батареяси сайёра учун анча хавфсизроқ

// 19.11.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zhahon-kimyo-sanoati-habarlari-kislorod-ion-batareyasi-sayyo

Австрия кимёвий ва таҳлилий технологиялар институти мутахассислари керамика материалларидан кислород-ионли электр батареясини яратишди. Ушбу батареяда кислород-ион эритмаси литий-ион эритмасига каби ишлайди. Бу шундай бўлади: кучланиш қўлланилгандан сўнг, кислород ионлари бир керамика материалидан иккинчисига ўтади, бунда электр токи ҳосил бўлади.

Ишлаб чиқувчиларнинг таъкидлашича, кислород-ион батареяси атрофдаги ҳаводан кислородни компенсация қилиш орқали ўз зарядини мустақил равишда қайта тиклаши мумкин, бу унинг ишлаш муддатини сезиларли даражада узайтиради.

Бундан ташқари, кислородли аккумулятор литий-ионли аккумуляторга қараганда хавфсизроқ, чунки у ёнғин хавфини туғдирмайди ҳамда таркибида қазиб олиш учун катта миқдордаги сув талаб қилинадиган материаллар, яъни литий, кобальт ва никелнинг йўқлиги сабабли экологик жиҳатдан қулайроқ.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати